

ЖОНГ ХО СУНГНИНГ “КЎЗА” ҲИКОЯСИДА ЁЗУВЧИ ҒОЯСИ

Р. Муродова,
ТДШУ 1- курс магистранти

Замонавий корейс адабиёти намоёндаси Жонг Хо Сунгнинг “Кўза” ҳикояси 2008 йили Ёлимвон нашриёти томонидан йигирмата ҳикоя ва эртаклар жамланган тўпламда шу ном остида чоп этилди.

Ҳикоя кулолчилик ҳунарини отасидан мерос қилиб олган ёш йигитнинг илк ижод намунаси – кўза ясашидан бошланади. Табиийки, кулол ўзининг илк ишидан кўнгли тўлмади. Кўза худди шошма-шошарлик билан ясалгандек ғашига тегди ва ёш кулол уни орқа ҳовлига элтиб кўйди. Ёруғ дунёни кўриш илинжида кулолнинг оёқлари остида лой бўлиб эзғиланган, шаклга келгунча унинг чархида айланган, тандирдаги оловда тобланган кўза аниқ шаклга кирди-ю, кулол мени бежизга яратмади, деб ўйлади. Аммо инсонлар эҳтиёжи учун керакли ва азиз буюм бўлиб хизмат қиласман, деган умидлар пучга айланди.

Маълумки, сарлавҳа бадиий асарнинг муҳим элементи саналади. Муаллиф ўз ҳикоясини “Кўза” деб номлаши ҳам бежизга эмас. Ҳикоя сарлавҳасида кўзанинг корейс халқи турмуш-тарзида муҳим элемент эканлиги, унинг корейс миллий ошхонасидан тортиб то ибодатхоналарида ҳам кенг ишлатилишида поклик, софлик рамзи мужассам. Шу билан бирга кўза авлоддан авлодда ўтиб келаётган миллатнинг борлиғини кўрсатувчи муҳим омил ҳамdir. Шу сабабли муаллифнинг қарашлари мазкур ҳикоя сарлавҳасида ўз ифодасини топган: “*Ижодкор матн мазмунини маълум бир сўз, ёхуд жумлага жо қилас экан, бадиий асар моҳиятини сарлавҳада бекитади. Боишача айтганда, сарлавҳа ижодкорнинг бадиий нияти, асар ғояси, образлар тизими ва барча унсурларни ягона фокусга жамловчи митти асардир*” [Ҳамраев 2018: 24]

Кулолнинг кўзани ташлаб қўйиши оддий ҳолга ўхшайди, аммо унинг замирида чуқур мазмун мужассам. Корейс халқи учун муқаддас саналган буюмнинг оёқости қилиниши, қадриятларнинг, хусусан, инсон қадрининг йўқотилишига ишора. Ўз ишидан қониқмаган кулол орқа ҳовлига ташлаб қўйган, ташландик буюмга айланган кўза изтироби табиат тасвирида берилади:

“*Жала қуийиб ўтди, бағрим сувга тўлди. Ўз аксини томоша қилиб булутлар бироз тўхтаб ўтиб кетдилар. Баъзан сарғайган япроқлар бағримда сузарди. Тунда юлдузларнинг ёгдуси юзларимни силарди. Агар улар бўлмаганида аллақачон ҳаётдан кўз юмган бўлар эдим*”. [정호승 2008:14]

Булутлар, шаррос қуйган ёмғир, сарғайган япроқлар кўзанинг кўнглини синдириса, олис осмондаги митти юлдузлар унга эртанги кундан эртак айтади, тонг отишига умид бахшида қиласми.

Аммо тажрибасиз йигит кўзага жароҳат етказишида давом этди: уни ерга кўмди ҳамда баҳорда ерга ўғит сочиш учун ундан “ҳожат туваги” сифатида фойдалана бошлади. Кўза яхши кунлар умидида яшайди:

“Үша тун, хурмо дарахти шохига тилларанг тўлин ой илинди...Юрагим дукурлаб ура бошлади. Ойдинда йигитнинг шарпаси кўринди”.[정호승 2008:16]

Аммо бу интиқиб кутилган дақиқалар ўз самарасини бермади, фасллар алмашаверди, вакт ўтаверди, кўзанинг ўрни ва вазифаси ўзгармади.

Ҳикояда хожат тувагига айланган кўза шундай дейди. “Кун совуқлашиб борар экан ичимдаги пешоб ҳам музга айланиб қотиб қолди. Қишини музлаб қолган танам ёрилиб кетмасмикин деган ҳавотирда ўтказдим” [정호승 2008:17]

Халқимиз орасида Кўза кунида синади деган ибратли сўз бор. Келинг, бу ҳикматли сўзни тўғри талқин қилган ҳолда таҳлил қилайлик Дарҳақиқат, эътиборсизлик қилиб, қишининг совуқ кунларида сувли қўзани далада қолдирсан сувнинг музлаши туфайли кўза синади. Совукда қолган сувли қумғон ёки пақир ҳам ёрилиб қолганини кўрганмиз. Ёки совуткичда туриб қолган газли сув тўлдирилган шишаларнинг синганини бекалар кўп кузатади. Бу идишлар синишига сабаб нима? Ватандошимиз, улуг табиб Абу Али лbn Сино ал- Берунийнинг саволига жавоб бериб ёзади: “Хеч ерда бўшлиқ-вакуум болиши мумкин эмас, фазонинг ҳар бир бўлاغи моддий жисмлар билан тўлдирилган”. Қишида сув билан ташқарида қолган кўзадаги сув музлаши натижасида торайиб (яъни, ҳажми кичиклашиб), муз билан кўза девори орасида бўшлиқ (вакуум) ҳосил бўлиш имкони туғилади, бу мумкин эмас. Шунинг учун кўза идиши девори бу бўшлиқни толдиришга уринади, натижада кўза синади...

Кўзани ҳам кулол эътиборсизлик қилиб ташлаб қўйган, ташландик буюмга айланган кўзанинг қалбида уйғонган бўшлиқ қадр ва эътибор топмаслиги уни ҳалок қилишидан кўрқиб яшайди. Ёзувчи мана шундай табиат ҳодисасини ҳикояда мантиқли ўхшатишга айлантириб ёритиб берган.

Йиллар ўтиб ёш кулол кексайиб, оламдан ўтгач, унинг устахонаси ўрнига ибодатхона курилди. Ногоҳ роҳиб топиб олган кўза ўзи ясалган устахона ўрнига курилган ибодатхона айвонига қўнғироқ остига ўрнатилди. Қўнғироқ ҳаётга чорлов тимсоли бўлиб, кўзанинг баҳтли кунлари бошланаётганидан хабар беради.

Асар сюжети бир чизиқли хроникал бўлиб, воқеалар кетма-кетлигига кузатилади: кўза кузда дунёга келади, қишида ерга ярим қўмилади, баҳор тонгида роҳиб томонидан айвонга ўрнатилади. Ёзувчининг айнан кўза образини ҳикояда жонлантиришида ҳам рамзий маъно бор. Чосон сулоласи давридан бошлаб конфуцийчилик таълимотига кўра, кўза поклик, ҳалоллик ва софлик маъноларини англатади. Мазкур даврда оддийлик ва соддалик – мукаммаллик маъносини билдирган. Шунингдек, уни ясаш жараёнидаги турли хил босқичлар: қуритиш, куйдириш ва сирлаш; оддий лойдан мукаммал буюм тайёрлаш каби синовлардан ўтган кўза сабр ва матонат рамзи хисобланади.

Йиллар давомида “хожат туваги” бўлиб хизмат қилган кўзанинг қўнглиниң тубидаги энг олий мақсади ва орзуси амалга ошди. Жонг Ҳо-сунг ҳикоясининг бош ғояси сабр, чидам ва келажакка бўлган умидни йўқотмаслик, инсон ўз қадр-қийматини топиши ҳаётнинг асл мазмунини топиш билан чамбарчас боғлиқлиги

хисобланади. Бу йиллар давомида кўзанинг сабр ва матонат, ишончи учун тақдирнинг инъоми эди: кўза муқаддас ибодатхонанинг қўнғироғи ўрнатилган айвон остига акс-садо қайтарувчи хум сифатида жойлаштирилди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ҳамраев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси: Филол. фанл. б-ча фалс. д-ри (PhD)...дис. – Тошкент. 2018.
2. Базарова, Ш. Ш. (2022). Koreys adibasi shin kyon suk ijodining o'ziga xosligi xususida. *Международный журнал искусство слова*, 5(3).
3. Shuxratovna, B. S. (2022). Koreys adibasi pak van so ijodining o 'ziga xosligi xususida. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 56-59.
4. Eshimova, S. K. (2022). Koreys badiiy adabiyotida personifikatsiyaning ifodalanishi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 24), 356-364.
5. Kenjaboevna, S. E., & Ugli, K. M. S. (2021). The phenomenon of personalization in korean (on the example of fairy tales). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(6), 677-681
6. 항아리, 정호승, 열림원. – 서울. 2008.
7. <https://thesoulofseoul.net/korean-moon-jar/>
8. <https://baxtiyor.uz/ko-za-har-kuni-sinmaydi-ibratli-so-z-ma-nosi/>